

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Ўзбекистон Республикаси ИИВ
Академияси хузуридаги
Жамоатчилик кенгаши раиси

У.Н.Мухаммадиев

2022 йил “1 июлб

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 мартдаги ПФ-6181-сон ва 16 июндаги
ПФ -6247-сон Фармонлари талабларидан келиб чиккан ҳолда Ички ишлар вазирлиги
Академияси хузуридаги Жамоатчилик Кенгаши томонидан II ярим йиллик давомида
амалга ошириладиган чора-тадбирлар

ДАСТУРИ

№	Вазифалар	Муддати	Масъул
Ўқув жараёни бўйича			
1.	Кундузги ва сиртки таълим шаклига ўқишга қабул бўйича ўтказиладиган синов ва имтиҳонларни, оралик ва якуний назоратларни, якуний давлат аттестацияларини кузатиб бориш	2022 йил июль – август ойлари	Кенгаш аъзолари

2.	Ўқув ишларини Ички ишлар вазирлиги томонидан тасдиқланган меъёрий ҳужжатлар талаблари асосида амалга оширилишини ўрганиш, ўқув гурухларини шакллантиришни, ўқув жараёнига тегишли машғулотлар жадваллари сифатини назорат қилиш	Йил давомида	Кенгаш аъзолари
3.	Ўқув жараёнини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш бошқармаси томонидан ўқув юкламаларининг меъёрий талаблар асосида, одилона тақсимот қилинишини, дарс соатлари тақсимоти тўғри ҳисобланишини ўрганиш, назорат қилиш	2022 йил сентябрь	Кенгаш аъзолари
4.	Профессор-ўқитувчилар томонидан ўқув машғулотлари жадвалига тўла риоя этиш, ўқув машғулотларини кўчириш, ўтказмаслик, дарсга кеч қолиш, дарсларни белгиланган вақтдан эрта тугатиш ҳолатларини назорат қилиш, уларнинг сабабларини аниқлаш, таҳлил этиш, кафедра бошлиқларига тегишли тавсиялар бериш	Йил давомида	Кенгаш аъзолари
5.	Зарур ҳолларда тегишли мутахассислар иштирокида ишчи гурухлар тузиб, дарсга халақит бермаган ҳолда таълим сифати, профессор-ўқитувчиларнинг билими ва педагогик маҳорати, ўқув машғулотлари сифатини ўрганиш	Йил давомида	Кенгаш аъзолари
6.	Кафедраларда фанлардан ўқув машғулотларининг замонавий педагогик технологиялар асосида	Йил давомида	Кенгаш аъзолари

	ташкил этилиши, зарурий қўлланмаларнинг, электрон ўқув-услубий мажмуаларининг яратилиши, ўқитиш тизимига замонавий информацион технологиялар, масофавий ўқитиш услубларини кўллаш фаолиятини ўрганиш		
7.	Профессор-ўқитувчилар малакасини ошириш йўналишида олиб борилаётган ишларни назорат қилиш	Йил давомида	Кенгаш аъзолари
7.	Курсантларнинг ўқув машғулотлариiga қатнашишларини назорат қилиш, сабабсиз дарс қолдиришлар, дарсга кечикиш ҳолатларининг сабабларини ўрганиш	Йил давомида	Кенгаш аъзолари
8.	Профессор-ўқитувчилик лавозимлариiga ишга қабул қилинаётган номзодлар юзасидан тавсиялар бериш, номзодларни ишга қабул қилиш бўйича ўтказиладиган йиғилишларда иштирок этиш	Йил давомида	Кенгаш аъзолари

Маънавий-маърифий фаолият соҳаси бўйича

9.	Профессор-ўқитувчилар, ходимлар ва курсант (tinglovchi)лар ўртасида соғлом маънавий-ахлоқий муҳитнинг мавжудлигини ўрганиш ва бу муҳитнинг бузилишига олиб келувчи сабабларни таҳлил этиш, зарурий тавсиялар бериш	Хар чоракда бир марта	Кенгаш аъзолари
10.	Маънавий-маърифий масалалар бўйича ташкил этиладиган тадбирлар режасини ўрганиш, таҳлил қилиш ва бу тадбирларнинг ўқув жараёнига ҳалакит бермаслиги, талabalарни ўқув	Йил давомида	Кенгаш аъзолари

	машғулотларидан асоссиз равища озод қилиб, турли тадбирларга жалб этиш сабабларини ўрганиш, хуросалар тайёрлаш		
11.	Профессор-ўқитувчилар томонидан курсант (тингловчи)лар билимини холисона баҳоламаслик, таъмагирлик қилиш, фанлардан назорат ишларини топшириш мақсадида курсант (тингловчи)лар томонидан профессор-ўқитувчиларга пора бериш каби ноқонуний ҳаракатлар содир қилинишининг олдини олиш, зарур ҳолларда чоралар белгилаш, тавсиялар бериш	Йил давомида	Кенгаш аъзолари
12.	Профессор-ўқитувчилар ва ходимларни ижтимоий ҳимоялаш, уларга мукофотлар белгилашда ижтимоий адолат тамойилларига риоя этилиши, мукофотланишда шахснинг ўз хизмат вазифаларини ҳалол ва вижданан бажаришини, жамоат ишларида, маънавий-маърифий тадбирларда фаол иштирокини ҳисобга олиниши ҳамда ҳаммага бир хил миқдорда мукофот берилишига йўл қўймаслик кабиларни назорат қилиш	Йил давомида	Кенгаш аъзолари
13.	Курсант (тингловчи)ларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларга стипендияларнинг ўз вақтида берилиши, стипендиялардан ҳар хил мақсадлар учун ушлаб қолиниши, улардан турли мақсадларда пул тўплаш, зарур бўлмаган китоблар,	Мунтазам	Кенгаш аъзолари

	тўпламларни мажбурий равища сотиш, мажбурий равища театрлар, концертларга чипталар тарқатиш каби ишларни назорат қилиш, сабабларини таҳлил қилиб, зарурый тавсиялар бериш		
14.	Курсант (tinglovchi)лар орасида тартиббузарлик, ахлоқсизлик каби иллатлар тарқалишининг олдини олиш ва ота-оналар билан ҳамкорликда бу салбий ҳолатларга қарши фаолият юритиш, назорат этиш, ахволни яхшилашга оид чора-тадбирлар кўриш юзасидан тавсиялар бериш	Мунтазам	Кенгаш аъзолари

Илмий фаолият ва курсантлар илмий ишларини ташкил этиш бўйича

15.	Профессор-ўқитувчиларга илмий фаолият олиб бориш учун шароит яратиш, докторлик диссертациялари устида ишловчиларни ижтимоий ҳимоялаш, йил давомида фаол илмий иш билан шуғулланиб, яхши натижаларга эришганларни мукофотлаш, суст ҳаракат қилувчиларга чора кўриш каби ишларни назорат қилиш	Йил давомида	Кенгаш аъзолари
16.	Профессор-ўқитувчилар томонидан монографиялар, дарсликлар, ўкув қўлланмаларни шартнома асосида тайёрланишини ва уларга ўз вақтида гонорарлар тўланишини назорат қилиш	Мунтазам	Кенгаш аъзолари
17.	Курсант (tinglovchi)ларни илмий фаолиятга жалб этилиши, халкаро, республика илмий анжуманлари, танловлари, кўргазмалари, фан	Мунтазам	Кенгаш аъзолари

	олимпиадаларида қатнашиши каби ишларни ташкил этилишини ўрганиш, назорат қилиш, тавсиялар бериш		
--	---	--	--

Курсант (тингловчи)лар яшаш шароитлари бўйича

18.	Курсант (тингловчи)лар ётоқхоналаридаги яшаш шароитларини ўрганиш, уларнинг шарт-шароитларини яхшилаш, тегишли тузилмалар томонидан бу ишларни назорат қилинишини ўрганиш, яхшилаш бўйича тавсиялар бериш	Мунтазам	Кенгаш аъзолари
19.	Курсант (тингловчи)лар ошхонасидаги хизмат хамда таомларнинг сифатини ўрганиш	Йил давомида	Кенгаш аъзолари

Молиявий ва моддий-техник базани мустаҳкамлаш бўйича

20.	Таълим жараёнида фойдаланиладиган мавжуд техникаларнинг замон талабларига мос келиши хамда улардан мақсадли ва оқилона фойдаланилишини ўрганиш ва бу борада зарур тавсиялар бериш	Мунтазам	Кенгаш аъзолари
-----	---	----------	-----------------

**ИИВ Академияси Ахборот хизмати
бошлиғи, майор**

 Д.Н.Джораев

2022 йил “30” июн